Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 13-iyun, payshanba № 71 (3264)

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Ислом КАРИМОВ

РЕПОРТАЖ

Болажонларнинг севимли фасли — ёзнинг яна бир куни тантанали айёмга айланди. Тошкент Марказий вокзалида Хоразм воҳасидан Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда дам олиш учун келган бир гуруҳ болалар кутиб олинди.

Обод юртнинг бахтиёр болалари

Кутиб олувчилардан бири — «Меҳржон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Хосият Турғунбоевани суҳбатга тортдим.

— «Меҳржон» оромгоҳи Ўрта Чирчиқ тумани Туябўғиз қўрғони қирғоғида, гўзал табиат қўйнида, ўрмон хўжалиги бағрида жойлашган, — деди у. — Бугун биринчи навбатга 200 нафар болани қабул қилиб оламиз. Уларнинг мароқли дам олиши, соғлигини тиклаши учун барча шарт-шароит яратилган. Беш маҳал иссиқ овқат берилади. Ҳар хил тўгараклар ташкил этилган бўлиб, болалар бир кунда икки марта сув ҳавзасида мазза қилиб чўмилишади. Қизиқарли ўйинлар, шоир-ёзувчилар, спортчилар, санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этилади. Бундан ташқари, маънавият ва маърифат хонасида улар билан тарбиявий соатлар олиб борамиз. Умуман, болажонларнинг бир олам таассуротларга эга бўлиши учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз. Дарвоқе, болалар келган куннинг эртасигаёқ Ўрта Чирчиқ туман болалар поликлиникасидан чақиртирилган тиббиёт ходимлари томонидан чуқурлаштирилган кўрикдан ўтказилади.

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Равшан Ёқуббоев соғломлаштириш ишлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Вилоятимизда бу йил шаҳардан ташқаридаги 13 та оромгоҳда 14 мингга яқин, мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда ҳомийлар томонидан 12500 дан ортиқ ўғил-қиз дам олдирилади. Уларнинг 1250 нафари Хоразм вилояти болаларидир.

Вилоят ҳокимлиги ва бошқа мутасаддилар ташкилотларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати туфайли оромгоҳлар ўз вақтида молиялаштирилиб, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда туман, шаҳар касаба уюшма кенгашлари томонидан «Обод турмуш йили» дастури тадбирларига асосан «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оила фарзандлари бепул дам олдирилади. Барча оромгоҳлар фаолияти республика ва вилоят ишчи гуруҳлари томонидан ҳар навбатда ўрганиб борилади.

Бу йилги соғломлаштириш мавсумида асосий эътибор болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб этиш билан бир қаторда, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар ўртасида маданий-маърифий, спорт тадбирларини ўтказиш, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, турли мавзуларда суҳбат ва учрашувлар ўтказишга қаратилади. Ҳар бир оромгоҳда маънавият ва маърифат, компютер хоналари, кутубхоналар ташкил этилди. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан оромгоҳлардаги маънавият ва маърифат хоналари жиҳозланиб, кутубхоналар китоб жамғармаси билан бойитилди. Тошкент вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ҳар навбатда оромгоҳларда болажонлар ўртасида спартакиадалар ўтказилиб, ғолиблар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан совғалар билан тақдирланади.

Оролбўйи болаларини ўз бағрига олиб, юртимизнинг беполён ҳудудларини босиб ўтган поезд вагонлари эшигидан юзида ҳаяжон ифодаси акс этганча тушиб келаётган ўғил-қизлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди.

— Исмим Диёрбек. Ҳазораспданман, — дея ўзини таништирди болалардан бири. — Иккинчи бор келаяпман. Оромгоҳда кўплаб дўстлар орттириш ҳақида хаёл суриб, Тошкентга етиб келганимизни ҳам сезмай қолибман...

— «Меҳржон»да олдин ҳам икки марта дам олганман, — дейди унинг шериги Асадбек Отажонов. — Ҳар сафар дўстларим билан йўл бўйи ўлкамизнинг гўзал манзаралари, обод гўшаларини томоша қилиб келамиз. Чарчоқ ҳам унчалик сезилмайди.

— Ўтган йили оромгоҳда дам олган дугоналаримнинг таассуротини эшитиб, роса қизиққанман, — дейди Қўшкўпир туманилик Дилноза Жуманиёзова. — Менга ҳам улар каби гўзал табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш насиб этганидан бахтиёрман...

Болажонлардаги кайфият барчага ўтади...

...Хоразмдан ташриф буюрган 500 нафар боланинг 200 нафари «Меҳржон», 120 нафари «Бойчечак», қолган 180 нафари «Йўлчи» ва «Коинот» оромгоҳларига жойлаштирилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

МУТАХАССИС МИНБАРИ

Ижтимоий шериклик — келишув жараёни бўлиб, унда умумий ижтимоий мақсадларга эришишда тарафлар манфаати уйғунлигини таъминлаб турувчи институтлар, механизм ва жараёнлар тизими тушунилади. Ижтимоий шериклик тор доирада меҳнат муносабатларининг махсус тури ҳисобланади. Кенг маънода эса ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўлиб, нафақат меҳнат муносабатлари, балки бошқа соҳаларда, жумладан, қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш каби манфаатларнинг ягона бир соҳалаги муштараклигидир.

Ижтимоий шериклик ва халқаро тажриба

Хорижий давлатларнинг бу йўналишдаги амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, ижтимоий шерикликнинг дастлабки ҳуқуқий асослари Белгия (1948), Германия (1952), Австрия (1957), Франция (1958) ва Шимолий Европа давлатларида (1970 йиллар) конституция ва қонунлар асосида мустаҳкамланди. Ушбу муносабатларнинг тарафлари асосан иш берувчи, ходим ва давлат кўринишида намоён бўлган. Ижтимоий шериклик учта даражада — миллий, тармоқлараро ва корхоналар даражасида амалга оширилган.

Саноати ривожланган мамлакатларда у турли кўринишда бўлган. Хусусан, корпоратив тизим махсус орган (институт), жараёнлар ва механизмлардан фойдаланишни назарда тутади. Бу кўриниш Австрия, Швеция, Япония, Германия, Швейцария, Нидерландияда кенг тарқалган. Масалан, Австрияда ижтимоий шериклик ҳам умуммиллий, ҳам тармоқлараро даражада кенг тизимли маслаҳат кенгашлари ва қўмиталари орқали амалга оширилади. Ижтимоий шерикликнинг махсус институтлари мавжуд бўлмаган давлатларда (Буюк Британия, АҚШ, Канада) плюралистик тизим амал қилади. Бу ерда қарама-қарши манфаатларнинг келишуви оддий сиёсий жараён (партия, парламент, касаба уюшмалари) орқали бутун жамият даражасида, ходим билан иш берувчи ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш эса алоҳида корхоналар даражасида амалга оширилади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европа мамлакатларининг самарали ҳаракати натижасида уларнинг аксарият ҳудудларида тадбиркорлар, касаба уюшмалари ва давлат ташкилотлари вакилларидан иборат бўлган миллий ижтимоий-иқтисодий кенгашлар тузилди. Жумладан, Италияда 1947 йилда Иқтисодий ва меҳнат миллий кенгаши, Белгияда 1948 йилда Марказий иқтисодий кенгаш, 1952 йилда эса Меҳнат бўйича миллий кенгаш, Нидерландияда 1950 йилда Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, кейинчалик эса меҳнат муаммолари бўйича кенгашлар ташкил топган. Францияда 1958 ва Англияда эса 1962 йилдан ҳозирга қадар Иқтисодий ва ижтимоий кенгашлар фаолият юритиб келмоқда.

Франция Республикаси Конституциясининг (1958 йил 4 октябрдаги) XI бобида Иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг конституциявий ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга кўра Кенгашга Ҳукуматнинг сўровига асосан қонун лойиҳаларига, ордонанс (қонун кучига эга бўлган ва Парламент рухсати билан ҳукумат томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар) ва директивалар, қонунчилик таклифлари юзасидан хулоса бериши, палаталар Парламентида унга тақдим этилган қонун лойиҳалари ва қонунчилик таклифлари юзасидан хулосани эшиттириш мақсадида ўз аъзосини тайинлаши, иқтисодий ва ижтимоий характердаги исталган муаммолар юзасидан ҳукуматга маслаҳатлар бериши мумкинлиги белгиланган.

Франция амалиётида яна бир жиҳатни кўриш мумкин: 2004 йилдан кейин республикада ижтимоий қонунларни қабул қилиш юзасидан қонунчилик ташаббуси ижтимоий шерикларнинг дастлабки муҳокамасисиз амалга оширилмади. Бу эса бир қанча «сиёсий тўлқинлар»нинг олдини олишга сабаб бўлди.

Маълумки, амалдаги қонунчиликда ҳозирга қадар ижтимоий шерикликни тартибга солувчи саноқли нормалар қонун ҳужжатларида акс эттирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 28-моддасида иш берувчиларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда корхоналар ва улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатлиги белгиланган. Шунингдек, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари ижтимоий шериклик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосида кўрилиши қайд этилган.

Шунингдек, ҳар йили айрим нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва бошқа шу каби ташкилотлар давлат идоралари билан ҳамкорликда давлат дастурларининг ижросини таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ижтимоий шерикликни янада самарали йўлга қўйиш учун қуйидаги ишлар тизимли равишда йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир:

- кўплаб ижтимоий мулоқотларни амалга ошириб, унинг натижасида аниқланган таъсирчан ва салоҳиятли ижтимоий шерикликни ривожлантириш;
- давлат иштирокида бизнес ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида тўғридан- тўғри мулоқотни йўлга қўйиш. Бунда ижтимоий шерикларнинг мустақиллиги уларнинг мустақил қарор қабул қилиши, жавобгарлик масъулияти ва етуклигидан далолат беради. Давлат эса холис ҳакам ва асосий ҳамкор сифатида иштирок этиши;
- бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари бозор муносабатларидан келиб чиқиб ўз-ўзларидан «муҳокама столи»га келишларини кутиш ёки шу каби важлар билан тинчланишдан мутлақо воз кечган ҳолда ижтимоий шерикликни шакллантириш юзасидан аниқ дастур, музокара мавзуси ва уларни ўтказиш санасини белгилаш.

Ҳуллас, ижтимоий шериклик, бу шундай муносабатларнинг кўринишики, ундан барча ижтимоий муҳим гуруҳлар ва давлат бутунлай объектив манфаатдор бўлади. Сабаби, унда жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги, тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ривожига эришилади. Бу эса фуқаролик жамияти шакланишининг юксак чўққисига эришиш учун замин яратади. Ҳозирда ушбу соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижаси ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим кафолатидир.

Умид ШОДИЕВ,
Адлия вазирлиги Жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бошқармаси масъул ходими

Пиллакорларимиз зафари

Мамлакатимиз пиллакорлари 25 минг тоннадан ортиқ сифатли пилла тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини бажардилар

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида пиллачиликда ҳам юқори самарадорликка эришилмоқда. Жорий йилда мамлакатимиз пиллакорлари 25 минг тоннадан ортиқ «кумуш тола» тайёрладилар.

Бу йил Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона вилояти пиллачилари биринчилар қаторида пилла етиштириш шартнома мажбуриятини бажардилар. Каттақўрғон, Нарпай, Қумқўрғон, Денов, Ғиждувон, Жондор, Касби, Косон, Бешариқ, Бағдод, Бўка, Юқори Чирчиқ, Амударё, Беруний туманларида ҳар қути ипак қуртидан 60-66 килограмм ҳосил олишга эришилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йилги мавсумда қирқ беш мингдан ортиқ фермер хўжалиги томонидан 447 минг қутидан ортиқ ипак қурти парваришланиб, ўртача 57,5 килограммдан ҳосил олинган. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилган.

Чимбой туманидаги «Аралбай» фермер хўжалигида ҳар қути қурт уруғидан 83 килограмм, Жалолқудуқ туманидаги «Низом тонг шабадаси» фермер хўжалигида 82, Мирзачўл туманидаги «Улиасар Жалолхон» фермер хўжалигида 76 килограмм, Косон туманидаги «Ҳайдар бобо Бобомуродов» фермер хўжалигида 75 килограммгача «кумуш тола» етиштирилди.

Пиллачиларга кўмаклашиш мақсадида жойларда ишчи гуруҳлари шакллантирилди. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги пахта қабул қилиш пунктларида 196 ихтисослашган қуртхона ташкил қилинди. 1100 гектар интенсив тутзорлар барпо этилди. Мавжуд тутзорларда эса агротехника тадбирлари амалга оширилди.

Пиллакорларни моддий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани самарадорликнинг яна бир омили бўлди. Хусусан, пилланинг харид нархи ўртача 35 фоиз оширилиб, етиштирилиши мўлжалланган ҳосил қийматининг 40 фоизи миқдоридаги маблағ мавсум бошиданоқ бўнак сифатида берилди.

Мамлакатимизда пилла қуртининг янги зотларини яратиш, ипак толасининг сифатини халқаро стандартлар даражасига етказиш, уни замонавий бозор тамойиллари асосида сотиш, қайта ишлаш жараёнини ислоҳ қилиш устувор вазифа этиб белгиланган соҳадаги муваффақиятларнинг муҳим омили бўлмоқда.

ЎзА

САНЪАТ

Ижодий изланишлар ва мулоқот майдони

Жорий йилнинг 19-24 октябр кунлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Ўзбеккино» миллий агентлиги билан ҳамкорликда III «Олтин Ғепард» Тошкент халқаро кинофоруми ўтказилади. Пойтахтимизда мазкур анжуманга тайёргарлик масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори Ж.Қосимов, «Олтин Ғепард» Тошкент халқаро кинофоруми бош директори А.Ҳакимов, Ўзбекистон халқ артисти М.Ражабов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий кино санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани мамлакатимизда ёшлар маънавияти, диди ва бадиий савиясини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

«Олтин Ғепард» халқаро Тошкент кинофоруми бой концептуал ғояси, мазмун-моҳияти, қизиқарли, ранг-баранг ва бетакрор дастури билан ўзбек ва жаҳон кино санъатининг энг яхши анъаналарини оммалаштириш, ўзаро ижодий мулоқотни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Жаҳоннинг таниқли кино юлдузлари билан ижодий учрашувлар, мусиқий кечалар, ёш киноижодкорлар учун маҳорат сабоқлари, фестивал ва кўрик-танловлар кино ихлосмандлари ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жорий йилнинг феврал ойидан 10 июлга қадар танлов ва танловдан ташқари дастурларда иштирок этиш учун тўлиқ ва қисқа метражли, анимацион филмлар қабул қилинмоқда. Ҳозир таниқли режиссёрлар, киношунослар, кинотанқидчилардан иборат саралаш комиссияси кинофорумга тақдим этилган филмларни атрофлича таҳлил этиб бормоқда.

Бу йил филмларнинг мазмуни ва географиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга қадар Германия, Франция, Италия, Швейцария, Венгрия, Польша, Болгария, Сербия, Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам, Бразилия, Мексика, Перу, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Саудия Арабистони киноижодкорлари кинофорумда ўз филми билан иштирок этиш истагини билдирган.

«XXI аср тамаддунлари: маданиятлар мулоқоти» шиори остида ўтказилувчи ушбу кино байрами Шарқ ва Ғарб, жаҳоннинг турли мамлакатлари киночиларининг ижодий изланиши, ўзаро мулоқот ўрнатиш, фикр ва тажриба алмашиш майдонидир. Айни пайтда жорий йилги кинофорум «Кўзгу ва тилсимда, акс садо ва мажозий ифодада» деган фалсафий ғояни ўзида мужассам этади. Халқаро кинофорум учун реалистик ва чуқур фалсафий-рамзий мазмунга эга, томошабинни кенг мушоҳадага ундовчи филмларни танлаб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кинофорум доирасида танлов дастурига киритилган филмлар намойиши, ёш режиссёрлар, сценарийнавислар, операторлар, монтаж усталари учун маҳорат сабоқлари, «Глобал дунёда — миллий кино» мавзусида илмий анжуман ўтказилади. Айни пайтда «Томошабин билан юзма-юз», «Ўзбек киноси панорамаси», «Ретроспектив филмлар намойиши» сингари қизиқарли дастурлар мухлислар эътиборига ҳавола этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ishonch
2013-yil 13-iyun № 71 (3264)

ОРОМГОҲ — 2013

Хавфсизлик ишончли қўлларда

Ёзги мавсумда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш ҳар йилгидан ўзгачароқ ташкил этилди. Республика бўйича 1000 та оромгоҳда 270 минг 375 нафар, 210 та стационар оромгоҳда 141 минг 447 нафар ва мактаб қошидаги 790 та оромгоҳда 128 минг 928 нафар болани соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Болажонларнинг оромгоҳларга бориш-келиши, кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун вазирлигимиз зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилган бўлиб, ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасида тузилган «Ғамхўрлик — 2013» ишчи гуруҳи мавсумга бевосита масъулдир. Оромгоҳлар жойлашган масканларда хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш учун ички ишлар идоралари ходимлари, маҳалла фаоллари, посбонлари ва жамоатчилик вакиллари жалб этилган. Минтақаларга Вазирлик Марказий аппаратининг масъул ходимлари, ҳар бир оромгоҳга ички ишлар идораларининг масъул раҳбарлари ҳамда доимий равишда хизмат олиб борувчи малакали ходим бириктирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, чегара ва тоғли ҳудудларда жойлашган оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида қўшимча постлар ташкил этилиб, жамоат тартибини сақлашга «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзолари, маҳалла фаоллари ва жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилган. Шунингдек, республика миқёсидаги оромгоҳлар атрофида жойлашган 509 та маҳаллада истиқомат қилувчи, ички ишлар идоралари профилактик ҳисобда турган 4633 нафар шахс суҳбатдан ўтказилди.

Айни пайтда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш, Автомобил ва дарё транспорти агентликлари, «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзавтойўл» компаниялари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Тошшаҳартранссервис» уюшмаси каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда жойлардаги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимларида тузилган ишчи гуруҳлари орқали ҳар бир минтақадаги об-ҳаво маълумоти, гидрометеорологик ва геологик хавф мавжуд бўлган ҳудудларда жойлашган оромгоҳларда хавфсизлик таъминлангани мунтазам назоратда. Оромгоҳларни шаҳар, туман ИИБлар томонидан кунлик текширув бўйича назоратини олиб бориш ва аниқланган камчиликлар юзасидан ахборот олиш ҳам тизимли йўлга қўйилган.

Ишчи гуруҳлари томонидан республикамизнинг деярли барча оромгоҳларидаги биноларнинг мустаҳкамлиги, жиҳозланганлиги, таъмирланганлиги, санитария-гигиена талабларига жавоб бериши, оромгоҳ атрофида девор бўйлаб назорат постлари, кириш қисмида назорат текширув постининг мавжудлиги, ёнғин ўчириш воситаларининг борлиги, сузиш ҳавзалари ҳолати, болаларнинг чўмилиши учун шароитлар мавжудлиги ўрганиб чиқилмоқда. Шунингдек, дам олиш жараёнининг ҳар босқичидан олдин оромгоҳлардаги вазиятни маҳаллий ҳокимлик вакиллари, ҳудуд профилактика инспекторлари, кинология ва ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўрганилади. Фарзандларимизни дам олиш масканларига олиб боришда ЙПХ кузатуви ташкил қилинган.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш ва маърифий жиҳатдан юксалтириш мақсадида оромгоҳлардаги «Маънавият-маърифат» хоналари тўла жиҳозлангани, кутубхоналар адабиётлар билан етарли миқдорда таъминлангани, турли тўгараклар ташкил қилингани, спорт майдончалари замонавий тарзда барпо этилгани барча болаларни қувонтириши аниқ. Бундан, албатта, биз ҳам мамнунлик ҳиссини туямиз.

Улуғбек ТУЙМАБОЕВ,
ИИВ ҲООББ матбуот котиби, подполковник

СЕМИНАР

Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти бир гуруҳ олимлари томонидан экологик хавфсиз маҳаллий хомашёдан «ЎзХИТАН» препарати яратилган бўлиб, бир неча йилдан буён уруғлик чигитни дорилашда фойдаланиб келинмоқда. Унинг таъсир этувчи таркиби хитин моддасидир. Хитин заҳарсиз, биологик фаол полимер бўлиб, у функционал-структуравий материал сифатида биотиббиёт, биотехнологияда кенг қўлланилади.

«ЎзХИТАН» — ўзимизда чиқади

Узоқ йиллар давомида ўтказилган илмий изланишлар натижасига кўра, уруғлик чигитнинг ҳар тоннасига 15-20 литр хитин сарфланиб, капсула қилинганда ғўзадаги гоммоз ва илдиз чириш касаллигининг олди олинади ҳамда ишлаб чиқариш чиқими 1,7 марта камайиб, сарф-харажат ҳажми гектарига 176,4 минг сўмга тежалади. Фақат шу эмас. Капсуллаш усулида «ЎзХИТАН» препаратини қўллаш — пахта тозалаш корхоналарида санитария-гигиена шароитини яхшилайди, фермер хўжаликларида ишлов берилган чигитларни ташиш ва экишда ходимларнинг касбий касалланиш даражасини 35 фоизга пасайтиради.

— «ЎзХИТАН» уруғ сиртини мустаҳкам қобиқлайдиган, кимёвий дорилаш ва унишни жадаллаштириш хусусиятига эга, юқори самарали физик-кимёвий ва биологик хоссалари мавжуд препаратдир, — дейди Жиззах вилоят «Ғўза уруғчилиги» бирлашмаси бош мутахассиси Турон Очилов. — Пахтакор, Жиззах, Зафаробод туманларидаги 67 та фермер хўжалиги далаларига мазкур препарат билан ишлов берилган 50 тонна чигит 25-26 март кунлари экилди. Баҳор анча серёғин ва салқин келишига қарамай, ғўза бир текис униб чиқди ва ҳозир ёппасига шонага кирди. Биринчи суғориш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Уч йиллик тажрибамизга таяниб айтиш мумкинки, уруғларни капсуллашнинг афзаллиги: чигит униб чиқиши тезлашади, касалликлар камайиб, ҳосилдорлик гектарига ўн центнергача ошади, меҳнат, санитария-гигиена шароити яхшиланади.

«Жиззахпластмасса» ОАЖда ЎзФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳамда «Ўзкимёсаноат» ДАК томонидан ташкил этилган семинар-йиғилиш «Ипак қурти ғумбагини қайта ишлашнинг чиқиндисиз комплекс технологияси» мавзусига бағишланди.

Анжуманни «Жиззахпластмасса» ОАЖ бошқаруви раиси Э.Тўрақулов очар экан, «ЎзХИТАН» препарати эндиликда заҳматкаш олимларимиз томонидан ипак қурти ғумбагини қайта ишлаш орқали чиқитсиз технология қўлланиши натижасида олиниши, бу мамлакатимиз валютасини тежашга олиб келишини таъкидлади. Бу табиий полимерни ишлаб чиқаришга вилоятда жуда катта хомашё базаси ва имконият мавжуд.

Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик С.Рашидова мавзу юзасидан маъруза қилди. Таъкидланганидек, институт базасида тут ипак қурти ғумбагини қайта ишлашнинг чиқиндисиз комплекс технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, унда хомашё табиий ипак ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланади. Тут ипак қурти «Bombyx mori» ғумбагидан хитин ва хитозанни ишлаб чиқариш республикамизга валюта ҳисобига олиб келинадиган импорт ўрнини босади. Тажриба-саноат қурилмасида маҳсулот ишлаб чиқаришдаги асосий афзаллик хомашёни комплекс қайта ишлаш орқали хитин, хитозан, оқсил, ғумбак ёғи каби маҳсулотларни олишдан иборатдир. Бундан ташқари, хитинни ажратиб олишдан сўнг қоладиган ишқорли оқар сувни утилизация қилиш, шунингдек, ғўза чигитини туксизлантиришда ҳосил бўладиган кислотали экологик хавфли чиқиндиларни қайта ишлаб, органоминерал микроўғитлар ишлаб чиқариш мумкин. Иқтисодий самарадорлиги эса аён: иккиламчи ресурсларидан фойдаланиш орқали импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашёга эга бўлинади. Институт технологик лабораториясида хитозан ишлаб чиқариш учун тажриба — саноат регламенти ишлаб чиқилган.

ЎзФА Иқтисодиёт институти масъул ходими Ш.Мирзажонов, «Ўзкимёсаноат» ДАК инновацион маркази директори А.Дадахўжаева, мазкур компаниянинг масъул ходими А.Саломов, Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ғ.Хидиров, вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси вакили А.Суюнов, вилоят «Ғўза уруғчилиги» бирлашмаси бош мутахассиси Т.Очиловнинг маърузаларини ҳам йиғилганлар катта қизиқиш билан тинглашди.

Шундан сўнг семинар иштирокчилари «Жиззахпластмасса» корхонасида «ЎзХИТАН» препарати ишлаб чиқариш учун ажратилган бино инфратузилмаси билан танишишди. Эндиликда Жиззахда маҳаллий хомашё — ипак қурти ғумбагини қайта ишлаш орқали «ЎзХИТАН» препарати ишлаб чиқариладиган бўлди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

ЁШЛАР — ЭЪТИБОРДА

2012-2013 ўқув йилида Сирдарё вилоятидаги 40 та касб-ҳунар коллежини 10650 нафар ўқувчи битирди. Амалиёт ўтаётган битирувчиларнинг 560 нафарига касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам берилиши режалаштирилган.

Биз бир ёндан

Бундан ташқари, жорий йилда коллежларни имтиёзли диплом билан битирган ёки кам таъминланган оила фарзанди бўлган ўқувчиларнинг 224 нафарига ҳам касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам бериш чора-тадбирлари белгилаб олинган.

«Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши қошида ташкил этилган «Ёш тадбиркор» консалтинг маркази томонидан коллеж ўқувчилари ўртасида «Менинг бизнес ғоям» танловининг туман, шаҳар босқичлари ташкил этилиб, унда икки юз нафарга яқин ўқувчи иштирок этди. Уларнинг 48 нафари саралаб олиниб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма берилди. Ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси билан биргаликда 11 та туман, шаҳарда семинар-тренинг ҳамда давра суҳбатлари ўтказилди.

Мазкур тадбирларни амалга оширишда вилоят касаба уюшма ташкилотларининг фаол иштироки таъминланмоқда.

Дилмурод ПИРМАНОВ,
Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» ЭШИТАДИ

Тизим такомиллашди

Касаба уюшмалари тизимидаги «Ишонч телефони» фаолиятини янада жонлантириш, фуқароларнинг меҳнат қонунчилиги юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар олиш имкониятини кенгайтириш ЎзКУФКнинг бу йилги иш режасида алоҳида ўрин эгаллаган. Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида Федерация Кенгаши юридик бўлими юрист консултанти Бахтиёр Абдуллаев қуйидагиларни сўзлаб берди.

— «Ишонч телефони» фаолияти 2011 йилнинг май ойидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва ҳудудий касаба уюшмалари бирлашмаларида йўлга қўйилган бўлиб, ўтган давр мобайнида икки ярим мингга яқин қўнғироқларга малакали мутахассислар томонидан бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Бу ўринда «Ишонч телефонлари» қонун бузилиши, айниқса, меҳнат қонунчилигига риоя этмаслик ҳолатлари тўғрисида жойлардан тезкор маълумотлар олиш ҳамда томонларни келиштириш ва ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш орқали муаммони бартараф этиш имконини бераяпти.

Жорий йил 12 март куни Бешариқ туман тиббиёт бирлашмаси пулли хизмат кўрсатиш бўлими ҳисобчиси Тўлқин Қорабоев Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасидаги «Ишонч телефони»га мурожаат қилиб, касаба уюшмаси аъзоси эканлиги, иш берувчининг ишдан бўшатиш билан боғлиқ ҳаракатларидан норозилиги, муассасада меҳнат қонунларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назорати олиб бориш асосида унинг манфаатларини ҳимоя қилиб ишга тикланишига амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни сўраган. Вазият касаба уюшма мутахассислари томонидан ўрганилганда меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг бир неча моддалари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Иш берувчига тақдимнома киритилиб, Т. Қорабоев ўз лавозимига тикланди. Унга мажбурий бекор юрган кунлари учун 193 000 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди.

2013 йилдан эътиборан касаба уюшма тизимидаги тармоқ Марказий кенгашларида ҳам «Ишонч телефони» тармоғи ишга туширилди. 2013 йилнинг май ойи якунига келиб «Ишонч телефони» орқали фуқароларнинг 900 га яқин мурожаатига ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Бугунги кунда «Ишонч телефон»ларига «ходимларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳақида тезкор маълумот олувчи ва фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берувчи тизим», деган тор доирадаги қараштан воз кечилиб, 2013 йил касаба уюшмалари Федерациясида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан уларни бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаоллари учун амалий ёрдам кўрсатувчи муҳим восита, ташкилотлар фаолиятида вужудга келаётган ҳар қандай жамоа шартномаларини тузиш, меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқий ҳимоя, молиявий ҳисоботлар каби масалаларда малакали мутахассислар орқали ёрдам кўрсатадиган тизим сифатида фаолият кўрсатишини таъминлаш асосий мақсад қилиб олинган.

Яна бир янгилик, бугунги кунда мамлакатимизда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, «Ишонч телефони»нинг электрон кўринишдаги алоқа тури ҳам жорий этилди.

Фуқароларнинг интернет тармоғи орқали мурожаатлари учун электрон почта манзили: yuridik@kasaba.uz.

Ирисмуҳаммад АБДУКАРИМОВ

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва унинг ҳудудий бирлашмалари «Ишонч телефонлари» қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

№	Ҳудудлар	Телефон рақамлари
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	8(361) 222-68-63
2.	Андижон вилояти	8(374) 224-56-42
3.	Бухоро вилояти	8(365) 223-49-94
4.	Жиззах вилояти	8(372) 226-09-34 8(372) 226-56-40
5.	Қашқадарё вилояти	8(375) 225-21-75
6.	Навоий вилояти	8(436) 226-01-15
7.	Наманган вилояти	8(369) 226-85-98
8.	Самарқанд вилояти	8(366) 235-67-34
9.	Сурхондарё вилояти	8(376) 223-16-06
10.	Сирдарё вилояти	8(367) 225-14-98
11.	Фарғона вилояти	8(373) 224-80-16
12.	Хоразм вилояти	8(362) 226-44-66
13.	Тошкент вилояти	8(371) 256-52-69
14.	Тошкент шаҳар	8(371) 253-71-79

Касаба уюшмалари Федерация Кенгашининг Ишонч телефони: 8(371) 256-48-81.
Тармоқ Марказий кенгашлари тизимида жорий этилган «Ишонч телефонлари»

№	Марказий кенгашлар номи	«Ишонч телефонлари»
1.	Ўзбекистон авиаходимлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 140 46 77
2.	Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 86 59 8 (371) 202 45 83 8 (371) 202 45 84
3.	Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 78 48
4.	Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 02 15 8 (371) 241 24 04 8 (371) 242 09 31
5.	Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 54 86
6.	Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 237 93 03
7.	Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 43 58
8.	Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 281 51 85 8 (371) 281 51 86
9.	Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 70 32 8 (371) 252 14 57
10.	Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 252 11 53
11.	Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши	8 (371) 256 57 67

«Ишонч телефонлари» ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 09:00дан 18:00гача фаолият олиб боради.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Замонавий қишлоқлар кўпаяди

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Марказий банки ҳамда «Қишлоққурилишбанк» ҳамкорлигида «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини ташкил этиш ва кенгайтириш» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Таъкидлаб ўтилдики, қишлоқ жойларда барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий иншоотлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишга ихтисослашган «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» лойиҳа-тадқиқот институти, уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда тез ва сифатли топширадиган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси нафақат қурилиш ишларини, балки қурилишда фойдаланиладиган замонавий материаллар ҳамда конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни маблағ билан таъминлайдиган янги турар жой олувчиларга ипотека кредитлари ажратадиган «Қишлоқ қурилиш банк» институтлари ташкил топди. Янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилди, кенг кўламли имтиёз ва преференциялар яратилди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастуридан кўзланган асосий мақсад — аҳоли масканлари қиёфасини меъморий-лойиҳавий жиҳатдан такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали одамларнинг турар жой шароитини, турмуш тарзини янада яхшилашдан иборатдир.

Хусусан, жорий йил 353 та қишлоқ мавзеси ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жойлар барпо қилиш режалаштирилган. Қиймати 1,4 трлн. сўм бўлган ушбу лойиҳани амалга оширишга етакчи банклар «Қишлоқ қурилиш банк», «Ипотека-банк» ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки сафарбар этилган. Ўтган беш ой мобайнида айни шу банклар томонидан қарийб 450 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Айтиш жоизки, якка тартибда уй-жой олувчилар ўзлари танлаган лойиҳа бўйича дастлабки бадал сифатида уй қийматининг 25 фоизини тўлайдилар. Уларга қулай шартлар асосида узоқ муддатга — 15 йилга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича — биринчи йил белгиланган фоизни тўламаслик шарти билан 7 фоиз миқдорида ипотека кредити ажратилмоқда. Бу Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан (12 фоиз) анча пастдир.

Эзгулик йўлидаги ҳаракат шулар билангина чекланмайди. Бу йил ҳам ипотека кредитлари орқали ёш оилаларга сотиш учун республика минтақаларида 105 та кўп квартирали уй-жойлар қуришга банклар томонидан кредит маблағлари беришни назарда тутувчи «Ёш оилаларга — уй-жойлар» дастури давом эттирилябти.

Қишлоқ жойларда уй-жой массивларини қуриш ишлари якка тартибда уй-жой қурувчи ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда маъқулланган намунавий лойиҳалар асосида муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан бирга барпо этилаётир. Янги қурилаётган қишлоқлар равон йўллар, сув ва сув канализация хизмати, газ, электр билан таъминланмоқда. Чакана савдо корхоналари ва «Ғузар» кўриниш-шидаги савдо-маиший мажмуалари барпо қилиняпти. Тижорат банкларининг ушбу лойиҳаларга ажратиладиган кредитлари шак-шубҳасиз, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳаси, чакана савдони ривожлантириш, қишлоқларни ободонлаштириш ва янги иш ўринлари яратишга шароит яратмоқда. Ўтган беш ой мобайнида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари 302 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратди. Улардан фойдаланаётганларнинг аксарияти қишлоқ тадбиркорларидир.

«Ўзагросуғурта» ДАСК (ОАЖ) универсал суғурта компанияларидан бири бўлиб, барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади.

Универсал суғурта

Асосий мижозлар фермер хўжаликлари, қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи – қишлоқ инфратузилмаси вакиллари ҳамда кичик бизнес бўйича фаолият юритаётган тадбиркорлардир. Суғурта турларининг 40 га яқини қишлоқ хўжалиги суғуртасига тўғри келади. Пахта, ғалла, боғ, узумзорлар, мойли экинлар, лизингга олинган қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, қишлоқ хўжалиги таркибидаги бошқа экинлар, кўп йиллик дов-дарахтлар, тижорат банклари томонидан пахта, ғалла етиштиришни молиялаштириш учун ажратиладиган имтиёзли кредит маблағларининг қайтарилмаслиги, тадбиркорлик хавфини суғурталаш ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

Компания жами 200 га яқин ҳудудий бўлинмаларга эга бўлиб, жорий йилнинг шу даврига қадар 4 та янги шаҳар бўлинмаси очилди. Тизимда агентлик тармоғи йилдан-йилга кенгайиб, ўтган йил 191 та иш ўрни яратилди. Суғурта агентлари сони 2538 га етди. 46, 2 млрд. сўм суғурта мукофотлари тушуми таъминланди. Суғурталанган объектлар бўйича олинган жавобгарлик доирасида суғурталанувчиларга 7,66 млрд. сўм суғурта товони тўланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини доимий равишда қўллаб-қувватлаш компания фаолиятидаги устувор вазифалардан саналади. Масалан, «Тадбиркорларни бахтсиз ҳодисалардан оилавий суғурта қилиш», «Фермерларнинг оила аъзолари ва ишчиларини бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш» мақсадида «Тадбиркор» акциясини ўтказиш ва шу йўл билан уларнинг саломатлигини ҳар қандай таваккалчиликлардан имтиёзли тарифлар орқали суғурталаш йўлга қўйилди. 2012 йилда кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан 69457 та шартнома имзоланди ва олинган суғурта мажбуриятлари 5 трлн. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, аҳолини суғуртавий ҳимоялаш сифатини ошириш ниятида «Фаровон ҳаёт» ва «Соғлом авлод» акциялари давом этяпти. Ўтган йил фаолият якунлари натижалари билан суғурта бозоридаги суғурта компаниялари орасида «Ўзагросуғурта» ДАСК (ОАЖ) тузилган шартномалар сони, суғурта мукофотлари тушуми, тўланган суғурта товонлари бўйича етакчи ўринларни эгаллади. Шунингдек, (2012 йил) SAIPRO ахборот-рейтинг агентлиги томонидан тақдим этилган «Олтин соябон» мукофотининг «Энг яхши суғурта компанияси» номинациясига ҳам сазовор бўлди.

Компанияни замонавий телекоммуникация воситалари билан жиҳозлаш, соҳа ходимлари малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойлардаги суғурта агентлари тизимга доир энг сўнгги янгиликлар билан мунтазам равишда таништириб борилаётир.

«Ўзагросуғурта» ДАСК (ОАЖ) томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган «Аграр суғурта соҳасини янада ривожлантириш борасида белгиланган чора-тадбирлар ва амалга оширилган ишлар» мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

«BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Ромитан тумани Ҳокимининг 2013 йил 29 апрелдаги 291-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савдо дўкони қуриш учун Ромитан тумани Ромитан қишлоқ фуқаролар йиғини Ҳавлогарон аҳоли пунктида жойлашган умумий ер майдони 140,0 кв.метрдан иборат бўлган 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 55 457 сўм.**

2. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Ромитан шаҳар Шифокорлар (Айланма йўл) кўчасида жойлашган умумий ер майдони 320,0 кв.метрдан иборат бўлган 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 199 168 сўм.**

3. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Ромитан шаҳар Шифокорлар (Айланма йўл) кўчасида жойлашган умумий ер майдони 300,0 кв.метрдан иборат бўлган 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 186 720 сўм.**

4. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Ромитан шаҳар Амир Темур кўчасида жойлашган умумий ер майдони 170,0 кв.метрдан иборат бўлган 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 105 808 сўм.**

5. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Ромитан шаҳар Амир Темур кўчасида жойлашган умумий ер майдони 200,0 кв.метрдан иборат бўлган 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 124 480 сўм.**

6. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Ромитан шаҳар Афросиёб маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган умумий ер майдони 200,0 кв.метрдан иборат бўлган 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 124 480 сўм.**

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари Шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Танловда қатнашиш учун талабгор буюрма хат билан танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган талабгор учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Жисмоний шахс мақомига эга бўлган талабгор учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Танлов тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулининг хабарномада кўрсатилган танлов ташкилотчисининг ҳисоб рақамига ўтказилганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертлардаги икки нусхадаги танлов таклифи.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри (юридик шахслар учун) ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда қатнашиш учун талабгорлардан буюртманомалар ҳар куни (якшанба ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 15 июл куни соат 18:00да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорларнинг таклифлари Ромитан туман Ҳокимлиги биносида 2013 йил 16 июл куни соат 11:00да очилади ва 2013 йил 16 июл куни соат 15:00да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг юқори таклиф билдирган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулларининг тўланиши учун танлов ташкилотчиси банк реквизитлари: ХХТУТ 83200 СТИР 302045495, МФО 00115 ОАТ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳ/р 20208000204922559001.

Буюртманомаларни топшириш ёки танлов ҳужжатларини олиш ҳамда қўшимча маълумолар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Танлов ташкилотчиси» — «BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти.

Танлов савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қават).

Лицензия RR 0029, E-mail: bg_rieltor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17.

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2512 AVTOJAMLANMA» ДУКнинг 2013 йил 5 июндаги 1/10-92-сонли буюртманомасига асосан, «2512 AVTOJAMLANMA» ДУКга тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 487-«А»уй манзилида сақланаётган қуйидаги юк ташиш автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. З-431610 русумли, д/р 10 АУ 161 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б — 5 466 458,04 сўм. 2. З-431610 русумли, д/р 10 АУ 163 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б — 11 964 699,15 сўм. 3. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АК 801 бўлган, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б — 10 079 758,97 сўм. 4. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АК 802 бўлган, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б — 4 947 172,03 сўм. 5. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 168 бўлган, 1991 йилда и/ч а/в. Б/б — 9 631 981,13 сўм. 6. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АR 025 бўлган, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б — 3 903 508,53 сўм. 7. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 170 бўлган, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б — 3 768 556,94 сўм. 8. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АR 021 бўлган, 1983 йилда и/ч а/в. Б/б — 7 328 641,42 сўм. 9. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АК 796 бўлган, 1980 йилда и/ч а/в. Б/б — 7 370 969,49 сўм. 10. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 174 бўлган, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б — 7 129 080,25 сўм. 11. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АК 797 бўлган, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б —5 925 714,69 сўм. 12. З — 431610 русумли, д/р 10 АR 019, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б — 5 228 016,53 сўм. 13. З — 431610 русумли, д/р 10 АУ 181 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б — 3 990 538,50 сўм. 14. З — 431610 русумли, д/р 10 АУ 182 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б — 5 636 552,37 сўм. 15. З — 431610 русумли, д/р 10 АУ 183 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б — 9 372 336,05 сўм. 16. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АК 794 бўлган, 1975 йилда и/ч а/в. Б/б — 6 120 791,38 сўм. 17. З-431610 русумли, д/р 10 АУ 184 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б — 9 809 652,53. 18. ЗИЛ – 138 А бўлган, д/р 10 АD 054, 1979 йилда и/ч а/в. Б/б — 3 276 714,35 сўм. 19. З — 431610 русумли, д/р 10 АУ 185 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б – 10 933 798,91 сўм. 20. З – 431610 русумли, д/р 10 АУ 186 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б — 9 575 237,77 сўм. 21. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АD 633 бўлган, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б — 9 234 311,23 сўм. 22. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 191 бўлган, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б — 8 518 534,58 сўм. 23. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АУ 196 бўлган, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б — 5 445 535,19 сўм. 24. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АУ 201 бўлган, 1991 йилда и/ч а/в. Б/б — 11 743 874,29 сўм. 25. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АR 018 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б — 6 242 942,81 сўм. 26. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АУ 204 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б — 9 507 363,20 сўм. 27. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АD 588 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б — 5 319 414,89 сўм. 28. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АУ 207 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б — 5 538 469,43 сўм. 29. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АА 681 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б — 10 502 788,47 сўм. 30. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АУ 209 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б — 8 588 305,66 сўм. 31. Г – 5327 русумли, д/р 10 АУ 210 бўлган, 1991 йилда и/ч а/в. Б/б — 5 391 118,32 сўм. 32. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 237 бўлган, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б — 3 065 441,76 сўм. 33. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АА 693 бўлган, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б — 4 928 902,52 сўм. 34. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 238 бўлган, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б — 7 399 105,48 сўм. 35. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 240 бўлган, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б — 6 061 401,77 сўм. 36. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АА 695 бўлган, 1979 йилда и/ч а/в. Б/б — 8 367 306,76 сўм. 37. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АR 030 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б — 8 147 046,72 сўм. 38. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АУ 246 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б — 10 129 398,89 сўм. 39. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АУ 250 бўлган, 1991 йилда и/ч а/в. Б/б — 9 990 719,40 сўм. 40. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АУ 251 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б — 8 220 040,20 сўм. 41. ГАЗ-52 27 русумли, д/р 10 АУ 253 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б — 3 850 674,36 сўм. 42. Г-2411 русумли, д/р 10 АТ 649 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б — 2 493 778,85 сўм. 43. ВАЗ 21 21 русумли, д/р ТНГ 16 54 бўлган, 1990 йил и/ч а/в. Б/б — 4 973 569,10 сўм. 44. ВАЗ 21 21 русумли, д/р 10 АТ 760 бўлган, 1990 йил и/ч а/в. Б/б — 6 061 401,77 сўм. 45. Г-531201 русумли, д/р 10 АУ 212 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б — 6 927 766,63 сўм. 46. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 АУ 223 бўлган, 1983 йилда и/ч а/в. Б/б — 8 754 929,43 сўм. 47. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 АА 692 бўлган, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б — 5 571 818,48 сўм. 48. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 АУ 229 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б — 4 352 864,99 сўм. 49. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 АУ 231 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б — 7 123 114,41 сўм. 50. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 АУ 232 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б — 4 819 539,96 сўм. 51. МАЗ-5549 русумли, д/р 10 АУ 233 бўлган, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б — 5 534 320,56 сўм. 52. МАЗ-5551 русумли, д/р 10 АR 023 бўлган, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б — 5 740 671,95 сўм. 53. МАЗ-5551 русумли, д/р 10 АУ 236 бўлган, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б — 2 408 684,23 сўм.

Савдо 2013 йил 2 июл куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 28 июнь куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 2 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 16, 30 июл ва 13 август кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 16 июлдаги такрорий савдолар учун 12 июл куни соат 18:00; 30 июльдаги савдолар учун 26 июл куни соат 18:00; 13 августдаги савдолар учун 9 август куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300

Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Тел: (8-371) 236-38-28. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Изоҳ: а/в – автотранспорт воситаси, и/ч — ишлаб чиқарилган, б/б — бошланғич баҳоси.

Хизматлар лицензияланган.

Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ishonch» газетасида 2013 йил 1 июн кунги 66 (3259)-сонидаги берилган эълонида «Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Сайилгоҳ кўчаси 0-1,8 км. қисмининг реконструкция ишлари. Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Сайилгоҳ кўчасидаги кўприкни реконструкция ишлари(мўлжал-«Аския» кафеси)» объекти бўйича буюртмачининг бошланғич қиймати — 5 517 032 020 сўм ҚҚС билан; 4 597 526 683 сўм ҚҚСсизга ўзгарганлигини маълум қиламиз.

Хизматлар лицензияланган.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 15 июлда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- энг камида иловада келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;
-таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2013 йил 15 июл куни соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат объектлари ва улушлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПК/ВМҚ	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)	Объектни сотилиш нархи (объектнинг савдога чиқарилган нархидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Илмий иншоот чиқариш лабаратория бино ва иншоотлари	6 383,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	6 169 416 246,00	5 552 474 622,00	1 850,80	1 йил
2	Бино ва иншоотлар	3 440,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	3 367 093 747,00	3 030 384 373,00	1 010,10	1 йил
3	Қурилиши тугалланмаган иншоот чиқариш лабаратория корпуси	404,00	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Сохибкор кўчаси, 2-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	1 350 892 000,00	1 350 892 000,00	405,30	1 йил
4	Бино ва иншоотлар	13 934,00	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чиноғор даҳаси, Ц-массиви, Қатортол кўчаси, 28-уй.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	11 322 896 900,00	10 190 337 210,00	3 396,78	1 йил

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПК/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	ТТЗ ОАЖ тасарруфида бўлган, "Тушт-ут" савдо дукони	239,00	Мирзо Улуғбек тумани, Алмазар Ўзгаваий массиви, 33а-уй	"ТТЗ" ОАЖ	4.04.2008 №830	173 983 643,43	29 000 000	1 йил
2	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	7.09.2009 №256	1 656 605 811,95	276 500 000	1 йил
3	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	7.09.2009 №256	1 042 420 915,74	174 000 000	1 йил
4	Ошхона биноси	534,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	454 427 818,20	76 000 000	1 йил
5	Ёрдамчи биноси	121,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	84 451 635,44	14 500 000	1 йил
6	Ёрдамчи биноси	40,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	33 892 931,86	6 000 000	1 йил
7	Ишлаб чиқариш биноси (қурилиши тугалланмаган бино)	8 231,00	Юнусобод тумани, Сохибкор кўчаси, 2-уй	Математика ва инф. тех. Институти	7.09.2009 №256	3 499 609 362,00	1 050 000 000	3 йил
8	"Tayyorlov savdo" МЧЖ	28,91% давлат улуши	Олмазор тумани, М.Садиев кўчаси, 88-уй	-	12.08.2011 №233	1 486 370 093,00	-	-

Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ «ҚУРИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона вилоят Фарғона шаҳридаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси Фарғона филиали биноси қурилиши».

Муддати — **1.11.2013 йил.**

Бошланғич нархи — **3 568 897 560 сўм ҚҚС билан; 2 974 081 300 сўм ҚҚС сиз.**

Манзил: Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 7-уй. Тел: (373) 224-11-53, 224-00-42 (факс).

Қурилиш ишлари: «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ушбу тенг бўлган ҳолатларда, афзаллик кичик бизнес субъектларига берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373) 224-18-71.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika Mulk Markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2521 AVTOJAMLANMASI»нинг 04.06.2013 йилдаги 1-1/04-06-сонли буюртманомасига асосан, «TOSHSHAHARYUKTRANS» UYUSHMASIning, «2521 AVTOJAMLANMASI»га тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани Паркент 5-тор кўчаси 34-уй манзилида сақланаётган қуйидаги юк ташиш автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

№	Автотранспорт воситасини русуми	и/ч йил	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси(сўм)	№	Автотранспорт воситасини русуми	и/ч йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси(сўм)
1	ЗиЛ-138 А	1985	10 AS 219	7 192 000	16	КАМАЗ-5320	1986	01 318 САА	12 656 000
2	ЗиЛ-431610	1990	10 AS269	7 215 000	17	КАМАЗ-5320	1990	10 AV 217	11 934 000
3	ЗиЛ-431610	1990	10 AS279	7 215 000	18	КАМАЗ-5320	1982	10 AS 561	10 196 000
4	ЗиЛ-431610	1989	10 AS284	7 209 000	19	КАМАЗ-5320	1990	10 AJ 627	11 934 000
5	ЗиЛ-431610	1989	10 AS288	7 209 000	20	АСГ ММЗ-4502	1988	10 AS 186	6 783 000
6	ЗиЛ-431610	1986	10 AS402	7 192 000	21	АСГ ММЗ-4502	1983	10 AS 326	6 279 000
7	ЗиЛ-138АФ	1984	10 AX413	7 530 000	22	АСГ ММЗ-4502	1989	10 AS 395	6 783 000
8	ЗиЛ-431610	1987	10 AX421	7 197 000	23	УАЗ-3303	1987	10 AX 625	5 059 000
9	ЗиЛ-431610	1985	10 BA535	7 186 000	24	АСГ ММЗ-4502	1987	10 AS 321	6 665 000
10	ЗиЛ-431610	1988	10 BA555	7 203 000	25	ГАЗ-2401	1984	10 AQ 553	1 156 000
11	ЗиЛ-431610	1988	10 AX 656	7 203 000	26	ГАЗ-2401	1983	10 AR 232	1 131 000
12	ЗиЛ - 431610	1989	10 AS 282	7 209 000	27	КАМАЗ-5320	1990	10 AX 555	11 934 000
13	МАЗ-5549	1988	10 AX 814	5 844 000					
14	МАЗ-5549	1990	10 AX 718	5 977 000					
15	КАМАЗ-5511	1984	10 AX 605	11 982 000					

Савдо 2013 йил 2 июл куни соат 11:00да бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 28 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 2 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 16, 30 июл ва 13 август кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 16 июлдаги такрорий савдолар учун 12 июл куни соат 18:00; 30 июлдаги савдолар учун 26 июл куни соат 18:00;13 августдаги савдолар учун 9 август куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Тел: (8-371) 236-38-28. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Изоҳ: и/ч – ишлаб чиқарилган.

Хизматлар лицензияланган.

«Tashkent Realtor Servis» МЧЖ

«Ishonch» газетасининг 2013 йил 1 июн 66 (3259)-сонида эълон қилинган «BAM BRICK TAYYORLOV» МЧЖ мулкий мажмуаси сотилиши бўйича очиқ аукцион савдоси 2013 йилнинг 13 июл куни соат 11:00 га кўчирилганлигини маълум қилади.

Қўшимча маълумотларни 147-40-00 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган. RR-№0008.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Ўзбектемирйўлэкспедиция» УК «Сўғдиёнатранс» шўъба корхонаси директори Муҳсинжон Мамасидиқовга падари бузруквори

МУСАЖОН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг собиқ раиси Жумақул Қурбоновга ўғли

ЭЛЁРнинг

бевақт вафот этганлиги сабабли чуқур таъзия изҳор этади.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Тарих — тараққиёт солномаси

Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилгандагина чинакам тарих бўлади.

Ислом КАРИМОВ

(«Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридан)

Миллий истиқлолимиз илк қадамиданоқ барча шаклдаги мафкуравий қолипларни ўтмиш бағрига улоқтириб, тарихчилар зиммасига ўтмишни холисона тадқиқ этиш ва ёритиш билан бир қаторда бугунги кунда кечаётган жараёнларнинг ҳаққоний солномасини яратишдек шарафли ва масъулиятли вазифани ҳам юклади. Йигирма икки йил давомида бу борада муайян ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг директори, тарих фанлари доктори Равшан Абдуллаев билан суҳбатимиз айнан шу мавзуга бағишланди.

— Равшан Мажидович, юртимизда ижтимоий тузумнинг ўзгариши, Ўзбекистоннинг мустақил давлатга айланиши нафақат жамиятнинг қиёфасини, балки халқимизнинг тафаккурини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Ўз-ўзидан тушунарлики, шундан келиб чиққан ҳолда бошқа фанлар қаторида тарих фани ҳам маънан яшарган, маърифий юксалган юртдошларимизнинг талаб ва эҳтиёжларига мос бўлиши лозим.

— Дарҳақиқат, Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарих фани муҳим ўзгаришларни бошидан кечирди. Аввало, мустабид тузум мафкурасининг босимидан ўтилди, ўтмишга нисбатан янги методологик ёндашувлар шаклланди, ўрганилмаган мавзулар тадқиқот объектига айланди, кўплаб тарихий воқеа ва ҳодисалар янгича талқин этила бошлади, янги таълим стандартлари асосида дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрланди. Шу билан бирга, тарих фани тараққиёти ва ижтимоий ривожланиш Ўзбекистон тарихчилари зиммасига, жаҳон амалиёти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тарих фанини янада юқори илмий-назарий даражага олиб чиқиш, янги илмий йўналишларни ўзлаштириш каби вазифаларни қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қабул қилган қарори соҳамиздаги туб ўзгаришларни бошлаб берди. Қарорда тарих фани ривожининг янги концепцияси белгиланиб, республикада тарихий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ҳамда юқори малакали тарихчи-мутахассисларни тайёрлаш маркази вазифаси бизнинг институтимиз зиммасига юклатилди. Ўтган давр мобайнида олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Маълумки, ҳозирги замон тарих фанида фаол ривожланаётган йўналишлардан бири — энг янги тарихдир. Ушбу йўналишнинг шаклланиши кўплаб миллий тарих мактабларида мустақил миллий давлатнинг ташкил топиши билан асосланади. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, йигирма икки йил муқаддам ташкил топган Ўзбекистон Республикаси деб аталмиш мустақил миллий давлатнинг тарихи ҳисобланади. Бошқа томондан, суверен мамлакат тарихи сифатида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи инсоният тараққиётининг янги босқичи (энг янги тарихи) билан мутаносибдир. Айни пайтда терроризм ва диний экстремизмнинг глобаллашуви ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг уларга қарши кураши каби муҳим воқеаларнинг жаҳонда шаклланиб бораётган янги тартиблар ҳам энг янги тарихнинг қиёфасини акс эттирмоқда. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи инсоният энг янги тарихининг таркибий қисми бўлиб, замонавий глобал воқеа-ҳодисалар билан бевосита боғлиқдир. Энг янги тарихни ўрганишнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у орқали замонавий ҳаётга бевосита таъсир қилаётган ҳодисаларни ўз вақтида англаш ва тушуниш мумкин. Бинобарин, энг янги тарихнинг замонавий жараёнлар билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, унда келажакни кўриш билан боғлиқ бўлган тенденцияларни башорат қилиш салоҳияти жамланган бўлади. Яъни, тарих тараққиётнинг ўзига хос солномаси бўлиш билан бирга истиқбол режаларини аниқ белгилашга ҳам хизмат қилади.

— Илдизи минг-минг йиллар нарига чўзилган ўтмишни ўрганиш, муайян хулосалар чиқариш муҳим вазифалардан бири экани далил-исботга муҳтож эмас. Айни пайтда давлат ва жамият ҳаётида бугун кечаётган жараёнларни таҳлил, тадқиқ этиш ва тарих саҳифасига муҳрлаш катта билим, масъулият талаб этади. Бу борада қандай ишлар қилинмоқда?

— 2012 йилнинг 27 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашини тузиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва Кенгашнинг ишчи органи сифатида Мувофиқлаштирувчи-методик марказ ташкил этилди. Қарорда замонавий тарихни илмий тадқиқ этиш бўйича халқаро тажрибани ва энг янги тарихнинг турли аспектларини ўрганишга бағишланган ишларни таҳлил этиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва регионал жараёнлар ҳамда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган цивилизациялар, халқлар ва давлатлар тарихий-маданий меросининг ажралмас қисми сифатида ўрганишни мақсад қилиб олган ўқув, илмий-методик адабиётлар ва бошқа нашрларнинг янги авлодини яратиш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди.

— Шу ўринда ўзингиз раҳбарлик қилаётган институт жамоасининг фаолиятига тўхталиб ўтсангиз.

— Институтимиз олимлари ҳам энг янги тарих муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида фаол қатнашишаяпти. «Замонавий тарих ва халқаро муносабатлар», «Этнология ва Антропология», «Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари» бўлимлари тарих, халқаро муносабатлар назарияси, социология, антропология, этнология, фалсафа, иқтисодий назария, сиёсий муаммолар каби фанларни қамраб олган методология асосида иш олиб боришмоқда. Жумладан, «Замонавий тарих ва халқаро муносабатлар» бўлимида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва халқаро алоқалари билан боғлиқ қатор илмий тадқиқот лойиҳалари амалга оширилди. Бир неча тўплам ва монографиялар чоп этилди. «Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари» (Т., 2000), «Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари». (Т., 2001), «История становления и развития сотрудничества Республики Узбекистан с международными организациями» (Т., 2011), «Устная история в Узбекистане: теория и практика» (Т., 2011), «Буюк ва муқаддассан, мустақил диёр» (Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган альбом) (Т., 2011), «Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии» (Т., 2011), «Современная этнокультурная идентичность корейцев Узбекистана» (Т., 2013) шулар жумласидандир.

«Замонавий тарих ва халқаро муносабатлар» бўлими ходимлари 10 дан ортиқ хорижий жамоавий монографияларда иштирок этган. Бундан ташқари, Озарбайжон, Белоруссия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Голландия, Россия, АҚШ, Туркманистон, Украина, Швейцария, Швеция, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатлар илмий нашрларида 100 дан ортиқ мақолалар чоп этилган. Бўлим ходимлари энг янги тарихнинг долзарб масалаларига бағишланган ва жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган ўнлаб нуфузли халқаро конференцияларда ҳам фаол қатнашди.

«Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари» бўлими фаолиятининг устувор йўналиши янгича ёндашувларда ва янги сифат даражасида тўпланган тарихшунослик материалларини қайта мушоҳада этишга қаратилган. Бу борада тарихшунослар тарихчиларга кўмакка келиб, совет давридан мерос бўлиб қолган Ватан тарихидаги жараёнларни ва тарихий фактларни баҳолашда эскича ёндашувлардан воз кечишда, тарихий билимларнинг сиёсийлаштирилганлиги ва ҳаддан зиёд мафкуралаштирилганлиги оқибатида тадқиқотчининг ижодий тафаккури сиқиб қўйилганлигини кўрсатиб бердилар. Фаолиятнинг муҳим йўналиши яна тарих фани методологиясида ҳукмрон бўлган ғоя билан боғлиқ яқин ўтмишнинг салбий оқибатларини бартараф этишга ҳам йўналтирилган. Мазкур йўналишлар доирасида бўлим ходимлари томонидан бир қатор муҳим илмий-методологик характерга эга нашрлар, жумладан, «История как история, история как наука» (Т., 2008); «Тошкент тарихи» (Т., 2009); «Самарқанд тарихи» (Т., 2009); «Академия наук в интеллектуальной истории Узбекистана» (Т., 2012) каби китоблар чоп этилган.

Мустақиллик йилларида «Этнология ва антропология» бўлимида давлат грантлари асосида шаҳар маданияти, Тошкент шаҳри диаспоралари, замонавий қишлоқ мавзуларига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилди. Ушбу тадқиқотларнинг амалий натижаси «Современне этнокультурные процесси в махаллях Ташкента», (Т., 2005), «Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости» (Т., 2006), «Этнокультурные процесс в современном полиэтаическом городе» (Т., 2011), «Узбеки» (М., 2011) каби нашрларда ўз ифодасини топди.

— Юртимиздаги олий ўқув юртларида ва илмий марказларда фаолият кўрсатаётган тарихчи-олимлар кўп. Улар билан ҳамкорлик қай даражада?

— Олим ва мутахассисларимиз Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик Кенгаши ҳамда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази билан, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Фарғона Давлат университетлари, Навоий ва Ангрен Давлат педагогика институтлари билан ҳамкорликда энг янги тарихни ўқитиш ва ўрганишнинг долзарб масалаларига бағишланган Республика илмий-амалий анжуман ва семинарлари ўтказилди. Бундан ташқари, Австрия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Голландия, Россия, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларнинг етакчи олимлари ҳамда илмий марказлари билан самарали халқаро илмий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Бу эса дунё тарихчиларининг илмий изланишлари ва ютуқларидан баҳраманд бўлиш, шу билан биргаликда ўзбек олимларининг тадқиқотларини хорижий мамлакатларда кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Тарихчи олимларга эзгуликка йўғрилган муваффақиятлар тилаймиз.

Бахтиёр РИЗО
суҳбатлашди.

ИЗДОШЛАР

Бахтни ҳунардан топдим

Бобом Абдураҳим Турдиев биринчи ўзбек тоштарош ва ҳайкалтарошларидан бўлган. Унинг бетакрор нақш ва ишланмалари, мармар чамбараклари Ўзбекистоннинг кўпгина тарихий обидаларини безаб турибди. У кишига ёшликдан шогирд тушган амаким Тоир Раҳимовни ҳам шу ҳунар элга танитди. Унинг Тошкентдаги Шайхонтоҳур мажмуаси, Бухоро вилоятидаги Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний, Сурхондарёдаги Имом ат-Термизий, Навоийдаги Қосим шайх мажмуалари ҳамда муборак қадамжолардаги безаклари ўзига хослиги билан эътиборни тортади. Шу боис меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Шуҳрат» медали ҳамда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

Амаким ёшлик пайтларимдаёқ ҳунар турмушнинг моддий ва маънавий асосларидан бири эканлигини кўп уқтирарди. Секин-аста ўз тажриба мисолида ҳунарли киши ўз ризқини топиши, мушкул ишларнинг ҳам уддасидан чиқиши мумкинлигига амин бўлиб улғайдим.

Халқимизда устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, деган мақол бор. Ҳаётни ўрганишим, паст-баландини англаб етишимда ғозғонлик устозим Валижон Сафоевнинг хизмати катта.

Маҳоратим ошгач, мустақил равишда тадбиркорлик юрита бошладим. Ҳозирда Навоий шаҳридаги «Оқтош» қабристони қошида жойлашган ишхонамда ўнга яқин ёшларга ҳунаримнинг сир-асрорларини ўргатаяпман.

Олдимизга шаҳар ҳокими Баҳодир Жўраев тез-тез келиб, муаммо ва камчиликларимиз билан қизиқиб туради. Яқинда корхонамиз даромади ҳисобидан қабристонни обод қилишни режалаштириб олдик. Эрта баҳорда 2000 туп манзарали дарахт кўчатини ўтқазгандик. Ҳозирда уларга насос орқали сув келтириб, суғоряпмиз. Бир сўз билан айтганда, ёнатрофимиз, маҳалламизни ободонлаштиришга ҳиссамиз қўшилаётганидан хурсандмиз.

Мухторжон РАҲИМОВ,
хусусий тадбиркор.
Навоий шаҳри

Элим деб, юртим деб

Қарши шаҳрида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Шаҳрисабз туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Соҳиба Пардаева ғолиб чиқди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Суратда: *кўрик-танлов ғолиби Соҳиба Пардаева.*

Жамшид НОРҚОБИЛОВ
(ЎзА) олган сурат

САЛОМАТЛИК

Шахсий гигиена — касалликдан ҳимоя

Орзиқиб кутилган ёз ҳам келди. Бу фасл айни пишиқчилик даври бўлиб, мева ва сабзавот маҳсулотлари кўп истеъмол қилинади. Натижада, турли юқумли ичак касалликларини чақирувчи бактериялар кўпайишига қулай шароит юзага келади.

Хасталик ичак функциясининг бузилиши ва ич кетиши билан ўтади. Уни қўзғатувчи микроблар сувда 7-25 кун, қудуқ сувида бир неча ойлаб, тупроқ ва озиқ-овқат маҳсулотларида 2 ҳафтадан 8 ҳафтагача яшаши мумкин. Сут ва гўшт маҳсулотларида тез кўпаяди. Микроб организмга тушгач, бир неча соатдан 2-5 кунгача яширин ҳолатда бўлади. Шундан сўнг касаллик белгилари пайдо бўлиб, беморнинг боши оғрийди, иштаҳаси йўқолади, тана ҳарорати кўтарилади. Меъда-ичак фаолияти бузилиб, ич кетиш бошланади. Бемор қувватсизланади. Ушбу касаллик билан оғриганлар шифокор кўрсатмасисиз бирор-бир антибиотик қабул қилмаслиги зарур.

Айнан шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандларига шахсий гигиена қоидалари, яъни тирноқларни вақтида олиб туриш, қўлни ювмасдан овқат емаслик, мева ва сабзавотларни ювиб истеъмол қилиш, қайнатилган сув ичиш кераклигини тез-тез эслатиб турмоқлари лозим. Катталар ҳам қайнатилган сувлар истеъмол қилиш, барча кундалик зарур маҳсулотларини музлаткичда сақлаш, чиқиндиларни махсус беркитилган жойларга ташлаш каби кўрсатмаларга амал қилиши фойдан холи эмас.

Юқоридаги тавсия ва маслаҳатларга амал қилсак, ўткир юқумли ичак касаллигининг олдини олган бўламиз. Саломатлигингиз ўз қўлингизда эканлигини асло унутманг.

Д. АБДОЛОВА,
Кўшкўпир туман ДСЭНМ шифокори.
О.ИБОДУЛЛАЕВ,
Саломатлик маркази шифокори

КЎРИК-ТАНЛОВ

Меҳнаткашлар ўртасида бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда қуйи босқичда ғолибликни қўлга киритган кўплаб истеъдод соҳиблари иштирок этишди.

Катта саҳна саҳнидан

Тадбирда ўзбек бастакорлари томонидан яратилган куй-қўшиқлар маромига етказиб ижро этилди. Анъанавий ижрочиликда хатирчилик Б.Сойибов, эстрада қўшиқчилигида учқудуқлик З.Жўраев, якка рақс ижросида хатирчилик О.Пардаевга тенг келадиган топилмади. Жамоа рақсида Навбаҳор туманидаги 21-мактаб жамоаси энг кўп балл тўплади. «Навоийазот» ОАЖ ходими Б.Ҳасанов эса якка чолғу ижрочилигида биринчи бўлди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.45

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 2345